

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.YU.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЮСУПОВА НИГОРА ЖАЛОЛИДДИН ҚИЗИ

**ИСЛОМ ОИЛА ҲУҚУҚИ: ПАЙДО БЎЛИШИ, РИВОЖЛАНИШИ,
МАНБАЛАРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ**

12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the dissertation abstract of the Doctor of Science (DSc)

Юсупова Нигора Жалолиддин қизи

Ислом оила ҳуқуқи: пайдо бўлиши, ривожланиши, манбалари ва институтлари 3

Юсупова Нигора Жалолиддин қизи

Исламское семейное право: возникновение, развитие, источники и институты 33

Yusupova Nigora Jaloliddin qizi

Islamic family law: the emergence, development, sources and institutions..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 66

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.YU.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЮСУПОВА НИГОРА ЖАЛОЛИДДИН ҚИЗИ

**ИСЛОМ ОИЛА ҲУҚУҚИ: ПАЙДО БЎЛИШИ, РИВОЖЛАНИШИ,
МАНБАЛАРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ**

12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Yu80 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тошқулов Жўрабой Ўринбоевич**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Саидов Акмал Холматович**
академик, юридик фанлар доктори,
профессор

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна
юридик фанлар доктори, профессор

Кадиров Эшмухамед Омантурдиевич
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
кошидаги Юристар малакасини ошириш
маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « ____ » _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

Д.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
юридик фанлар номзоди

И.Т. Тультеев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда интеграциялашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида ижтимоий муносабатлардаги глобал ўзгаришлар оила институти, унинг мавқеъи, таркиби, тузилиши, вазифалари ва фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бугун кўплаб мамлакатларда оила анъаналарининг бузилиши натижасида ажримлар сони ортиб бораётгани, туғилиш даражаси тушиб кетаётгани, ноанъанавий никоҳ шакллари пайдо бўлаётгани, никоҳсиз туғилган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сони ортиб бориб, оилавий муносабатларга ёндошув кескин ўзгараётгани боис, бутун дунёда оила манфаатлари кафолатларини янги мазмунда таъминлашнинг институционал асосларини такомиллаштириш заруратга айланмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ва бошқа ўнлаб унверсал ва минтақавий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган оила институтини мустаҳкамлашга оид қоидалар механизмини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Оила ҳар бир жамиятнинг табиий асосий таянч бўғини сифатида амалдаги қонунлар, одат ва диний қоидалар билан тартибга солинади. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида, жумладан бизнинг мамлакатимиз учун, шахс маънавиятини, диний-маърифий саводхонлигини соғломлаштириш асосида оилавий муносабатларга оид ислом ҳуқуқи қоидаларини илмий таҳлил қилиш ижтимоий заруратдир. Шу боис, исломда оилавий муносабатларни тартибга солишнинг замонамиз учун аҳамиятли жиҳатлари, тарихий негизларини, маданий-маънавий хусусиятларини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий-ташкилий ўзига хослигини ислом ҳуқуқининг асосий манбалари ва диёримиздан етишиб чиққан фақиҳларнинг илмий мероси асосида тадқиқ этиш ва одат ҳуқуқи билан қиёсий ўрганиш мафкуравий курашлар авж олиб бораётган ҳозирги кун учун ўта зарур масаладир. Зеро, "...оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда улкан аҳамият касб этмоқда"¹.

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси"даги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжумандаги нутқи // Халқ сўзи, № 119. 2017 йил 16 июнь.

Фармонида оила институтини ривожлантиришга доир маданий мерос, оилавий кадрятлар муаммоларига бағишланган тадқиқотларни амалга ошириш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилага тайёрлаш ҳамда оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби вазифалар ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлиги қатъий белгиланди. Бу эса мамлакатимизда оилаларда умуминсоний, миллий кадрятларни, эр-хотин, ота-оналар, фарзандлар ўртасидаги муносабатларни, оиланинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси”ги, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, шунингдек 2017 йил 25 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-1079-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармон ва қарорлари, шунингдек мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Ислом оила ҳуқуқи нормалари билан оилавий муносабатларни тартибга солишнинг ижтимоий-тарихий, ҳуқуқий жиҳатларини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, American Academy of Political and Social Science, Harvard University (АҚШ), University of Toronto (Канада), Chicago University (Чикаго), University of Oxford, Cambridge University, Center for legal education (Буюк Британия), Center of Islamic Studies in Freiburg (Германия), University of Osaka (Япония), Национальный исследовательский университет “Высшая школа экономики”, Бошқирдистон давлат университети, Доғистон давлат университети (Россия), Cairo University

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.islamport.com>, <http://www.islamwissenschaft.unibeidelberg.de>, <http://www.mcgill.ca/islamicstudies/institute-islamic-studies>, <http://www.ugent.be>, <http://www.ox.ac.uk>, <http://www.heacademy.ac.uk>, <http://www.tamu.edu>, <https://tspace.library.utoronto.ca>, <http://doc.rero.ch>, <http://www.harvard.edu>, <http://www.cam.ac.uk>, <http://www.princeton.edu>, <http://www.law.osaka-u.ac.jp>, <http://www.whyislam.ru>, <http://www.tsul.uz>, <http://www.akadmvd.uz>, <http://www.tiu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Миср), Damascus University (Сурия), Turkish Religious Foundation Centre for Islamic Studies (Туркия), Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Исломда оила ҳуқуқига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги қатор илмий натижалар олинган: ислом оила ҳуқуқига оид долзарб муаммолар, хусусан, оилада томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг муҳим элементи сифатида оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган (Harvard University, Oxford University); инсон ҳуқуқларини таъминлашда оила институтига бўлган юқори эътиборнинг зарурати давлат сиёсатининг асосий йўналиши бўлиши лозимлиги асосланган (University of Osaka); оиланинг тарихий ривожланиш босқичлари, оилада фарзанд ва ота-она муносабатларига доир ҳуқуқий асосларнинг юзага келишига оид қарашлар билан боғлиқ таклифлар ишлаб чиқилган (Cambridge University, Center for legal education); Ислом оила ҳуқуқига оид тамойилларнинг ўзига хос жиҳатлари аниқлаштирилган (Национальный исследовательский университет “Высшая школа экономики”), оилада томонларнинг номулкий ҳуқуқларини ҳимоялаш, мулкый муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, мерос ҳуқуқига оид назарий ва амалий тавсиялар асосланган (Cairo University, Damascus University); нафақа мажбуриятларининг хусусиятлари белгилаб берилган (Turkish Religious Foundation Centre for Islamic Studies); Ўзбекистон ҳудудида оилавий муносабатларнинг халқаро-ҳуқуқий, миллий, диний масалаларига оид назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган (Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Дунё миқёсида оила институтининг иқтисодий, ижтимоий, маънавий муаммолари қатор фан соҳалари, хусусан социология, тарих, педагогика, психология каби ижтимоий фанлар таркибида, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқ этилмоқда: оилавий муносабатлар тушунчаси ва унинг моҳияти, замонавий оиланинг муҳофазаси асослари, оила тушунчаси замонавий мазмуни, оила ҳуқуқининг тамойиллари, никоҳ шартномасининг ҳуқуқий асослари, ислом оила ҳуқуқида маҳр, нафақа институтлари, васият ва мерос ҳуқуқи, эр-хотинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳнинг тугатилиш асослари, оилада болалар ҳуқуқлари, глобализация шароитида ислом кадриятларининг трансформацияси ва эволюцияси, оила аъзолари ўртасида мулкый муносабатларнинг тартибга солиниши.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ислом ҳуқуқида тартибга солинган оилавий муносабатларга оид меъёрлар ҳуқуқшунослик соҳасида хориж ва Ўзбекистон ҳуқуқшунос олимларини қизиқтириб келган муаммолардан. Оилавий муносабатларнинг умумназарий муаммоларига бағишланган бизгача ўрганилган тадқиқотлар халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликдаги масалаларнинг амалдаги ҳолати билан боғлиқ бўлган.

Ушбу муаммо яхлит шаклда республикамизда тадқиқ этилмаган. Айрим мақолаларнинггина мавзуи бўлиб келган ёхуд муаммонинг у ёки бу жиҳатлари баъзи монографик тадқиқотларда қисман кўриб чиқилган. Ислом ҳуқуқининг тарихий ва

замонавий ривожланиш босқичи ва унинг фалсафий жиҳатларига бағишланган тадқиқотлар, жумладан, мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан А.Ш. Жузжоний, Ж.Ў. Тошқулов, А.Х. Саидов, М.А. Ражабова, Ф.А. Мухитдинова, Д.Р. Каримова, Д.А. Каримов, С.А. Исҳоқов, Ғарб олимларидан Л.Г. Сюкияйнен, Г.М. Керимов, Р. Шарль, М.И. Садагдар, В.В. Цмай, Н. Торнау, Ван ден Берг, С. Маллат ва Ж. Конол, С. Вайлс, Абдуллоҳ ан-Наим, Н.Дж. Каулсонларнинг тадқиқотларида ислом ҳуқуқининг бир соҳаси сифатида оилавий муносабатларга тўхталиб ўтилган.

Собиқ иттифоқ тузуми даврида ушбу мавзудаги тадқиқотларнинг аксарияти даҳрийлик асосида бирёқлама кўринишда бўлган. Тадқиқотда мазкур адабиётларга илмий-таҳлилий, айрим жиҳатларига танқидий нуқтаи назардан муурожаат қилинади.

Мустақиллик йилларида мавзунинг айрим жиҳатларига яқин бўлган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Масалан, оиладаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ миллий ҳуқуқ хусусиятларига доир Ф.М. Отахўжаев, Г.С. Инамджанова, Р. Мухамедов, Т. Хўжаниёзов каби ҳуқуқшунослар тадқиқотлари соҳани ривожлантиришга хизмат қилган. С. Джаббаровнинг “Шариат, семейное и обычное право в Узбекистане: история и современность”, С. Турсунованинг “Гражданские законы и нормы шариата по семейному праву и их социальная сущность” тадқиқотлари оила-никоҳ муносабатларининг минтақадаги тарихий шаклланиш босқичлари ва ижтимоий моҳиятини белгилаб берган¹. Бироқ, ислом оила ҳуқуқининг асосий манбалари, Мовароуннаҳр фақиҳлари асарларидаги оилавий муносабатларга оид масалалар бирламчи манбалар асосида комплекс ва фундаментал тарзда тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент ислом университети илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ва илмий фаолият соҳасини ривожлантириш дастурга мувофиқ “Ҳанафий фақиҳлари асарларида оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга оид қарашларнинг моҳияти” илмий-тадқиқот иши доирасида бажарилган (2014-2016).

Тадқиқотнинг мақсади ислом оила ҳуқуқининг юзага келиши, манбалари, институтларининг тартибга солинишидаги ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатларни, назарий ва амалий қоидаларини ислом ҳуқуқининг классик манбалари ҳамда Мовароуннаҳрда яратилган оилавий муносабатларга оид асарлар асосида қиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, оила институтини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ислом ҳуқуқи ва исломда оила ҳуқуқи тушунчаси, манбалари, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, оилавий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ислом ҳуқуқининг манбаларида, шунингдек мовароуннаҳрлик ислом ҳуқуқшуносларининг асарларида оилавий муносабатлар институтлари ва

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

уларда белгиланган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини умумижтимоий илмий муаммо сифатида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий-ташкилий жиҳатларини белгилаш;

исломда никоҳ тушунчаси, унинг шартлари, никоҳ шарномасининг моҳияти, оилада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид тамойилларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиб, оила ҳуқуқини урф-одатлар, миллий маданиятлар, ижтимоий институтлар, ҳуқуқ ва жамият тараққиёти билан узвий боғлаб ўрганиш;

ислом оила ҳуқуқида никоҳни тугатилиш асослари, унинг оқибатлари, ота-она ва фарзандлар ҳамда оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни ўрганиб, одат ҳуқуқи билан тартибга солинаётган қоидалар ўртасидаги мувофиқлик ва тафовутни таҳлил қилиш;

оилавий муносабатларни тартибга солиш бўйича Бурҳониддин Марғинович, Алоуддин Самарқандий, Фаҳруддин Қозихон, Ифтихоруддин Тохир ал-Бухорий каби фақиҳлар қарашларини тизимлаштириш ва уларнинг оила ҳуқуқи ривожига тутган ўрнини белгилаш;

одат ҳуқуқида мавжуд бўлган баъзи нормаларнинг нотўғри талқин этилиш муаммоларини ечишда қўл келадиган маълумотлар мундарижаси ва ҳуқуқий мазмунини асослаш;

ислом ҳуқуқи мумтоз манбаларида тартибга солинган оилавий муносабатлар билан амалдаги қонунларнинг қиёсий-тарихий ва қиёсий-типология хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасида оилавий муаммоларни ҳал этишнинг миллий, диний, маънавий-маданий хусусиятларининг таҳлили асосида оилани мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбиясини такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ислом оила ҳуқуқининг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятлари, тушунчаси, мазмун моҳияти, манбалари ва институтлари билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ислом оила ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари, никоҳ шартномасини тузиш шартлари ва тартиби, эр-хотин, оиланинг бошқа аъзолари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳни тугатиш асослари ва оқибатлари, васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳақидаги ислом ҳуқуқининг асосий ҳамда қўшимча манбаларидаги меъёрлар, Мовароуннаҳр фақиҳлари асарларида баён этилган оила ҳуқуқига оид қарашлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мантиқийлик, тарихийлик, тизимлилик, объективлик, муаммовий-мақсадли, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларни парваришлаш, таълим-тарбия бериш, улар таъминоти билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментни тўлаш ва ундириш тартиби механизмини белгиловчи оила қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида вояга етмаган болалар

таъминоти учун алиментларни бола вояга етгунига қадар бўлган давр учун олдиндан тўланишини қонун билан белгилаш зарурати асослаб берилган;

оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида ислом ҳуқуқининг оила манфаатларига тўла жавоб берадиган меъёрларини, исломда оила маънавиятининг маърифий-тарбиявий, ҳуқуқий тамойилларини жойларда соҳа мутахассислари томонидан тўғри тушунтириш орқали ёшларни никоҳга, оилавий муносабатларга тайёрлаш, оиланинг маънавий ҳамда ҳуқуқий асослари бўйича билим даражаси ва кўникмаларини оширишда ФХДЁ органлари, “Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича МФЙ мутахассислари” малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

исломда оила ҳуқуқига оид Ўрта асрларда яратилган жаҳон ҳамда мамлакатимиз қўлёзма фондларида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма манбалар, хусусан “Фатовои Қозихон”, “Ал-Ҳидоя”, “Тухфат ал-фуқаҳо”, “Хулосат ал-фатово” каби асарлар, улар муаллифларининг ҳуқуқий қарашлари борасидаги тахлилий натижалар билан мамлакатимиз давлат ва ҳуқуқ тарихининг ажралмас қисми ҳисобланган ислом ҳуқуқи, миллий ҳуқуқ тарихи, ҳуқуқ назарияси мазмунан такомиллаштирилган ҳамда умумбашарий ҳуқуқ тарихи ва ривожда мовароуннаҳрлик уламолар қарашларининг цивилизацион аҳамияти ва ўрни исботланган;

оила институтини ривожлантиришга доир маданий мерос, оилавий қадриятларга бағишланган тадқиқотлар асосида, оила институтини мустаҳкамлашга, ёшларни оилага тайёрлашга ва оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган умуминсоний, ҳуқуқий, миллий, диний оилавий қадриятларни турли ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар ўртасида мунтазам тарғиб қилиниши оила ва жамиятда хотин-қизлар ҳуқуқларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва вояга етмаган болалар томонидан содир этилаётган жиноятлар, суициднинг олдини олиш, айрим рухий тушкун ҳолатдаги хотин-қизларни ижтимоий-психологик ҳимоя қилиш ишларининг методологияси сифатида намоён бўлиши асосланган;

исломда оила ҳуқуқи тушунчасининг дефиницияси, унинг меъёрлари мазмуни ва талаблари, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асослари, оилавий муносабатларга киришишда томонларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқлари, никоҳ, исломда никоҳ шартномаси, маҳр, идда, нафақа, мерос институтлари, оилада болаларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқлари, васийлик ва хомийлик масалалари, полигамия, никоҳни бекор бўлиш асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатларини тартибга солувчи ислом оила ҳуқуқи меъёрлари ҳамда одат ҳуқуқи тамойиллари тизимли таҳлилдан ўтказилган ва бугунги замон учун аҳамиятли жиҳатлари белгиланган;

исломда оила ҳуқуқига оид Қуръони карим ва ҳадисларда келтирилган далиллар, мазҳаблар нуқтаи назари ва қарашлари, фақиҳлар, хусусан мовароуннаҳрлик олимлар асарларидаги оила ҳуқуқига оид ғоя, тушунча, норма, категориялар, уларни амалиётга жорий этиш тарихи ва хусусиятлари, қозилик амалиёти ва бошқа меъёрий талаблар мазмуни замонавий ҳуқуқий

қарашлар тизими билан узвийликда, қиёсий-тарихийлик ва қиёсий-типологик аспектда таҳлил қилинган ва баҳо берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ислом оила ҳуқуқи институтлари эволюцион тараққиёт, дунёвийлик, тизимлаштириш тамойиллари асосида комплекслик, фундаменталликда ўрганилиб, никоҳ ёшани катталаштириш, оилада фарзандларнинг насл-насабини белгилаш, уларнинг моддий ва маънавий таъминотини амалга ошириш билан боқлиқ ҳуқуқлари юзасидан, насабни аниқлаш ҳамда оилани сақлаб қолиш имконини берувчи ҳамда аёлларнинг моддий ва маънавий ҳимоя кафолати сифатида қаралувчи идда институти меъёрларидан фойдаланишга оид жамиятда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган амалий ва назарий таклифлар ишлаб чиқилди;

оила ҳақидаги ҳозирги замон концепцияси асосида оилавий муносабатларга доир ислом ҳуқуқи нормаларининг моҳияти, манбалари ҳамда соҳаларини тадқиқ этиш қайси ҳуқуқлар ва эркинликлар универсал эканлигини, қайсилари эса у ёки бу жамиятнинг хусусиятларини анъана, маданият, дин ва одатлар нуқтаи назаридан инобатга олиш мумкинлигини аниқлаш имконини беради. Ушбу тадқиқот мазкур анъана ва одатларнинг оилавий муносабатларни ҳам миллий, ҳам минтақавий даражаларда ҳимоя қилиш жараёнига таъсирини ҳам аниқлаш имконини беради;

ислом оила ҳуқуқининг пайдо бўлиши, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, манбалари, институтлари, исломда оила тушунчаси; оила ҳуқуқининг асосий принциплари; никоҳ тушунчаси; никоҳ тузиш тартиби; никоҳ шартномаси қонуний бўлишининг шартлари; никоҳ шартномаси субъектлари; субъектлар ёши; субъектларнинг никоҳга киришишдаги ихтиёрийлиги; никоҳ шартномасида валийнинг иштироқи; маҳр; гувоҳлар; эр-хотинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; никоҳнинг тугатилиш асослари; қариндошлик ва уларнинг турлари; боланинг насл-насабини белгилаш; валийлар ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; ота-она ва болаларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари кабиларни тадқиқ этиш оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқӣ нормаларни қўллаш механизмнинг самарадорлигини оширишга ҳам замин яратади;

ислом ҳуқуқидаги боланинг насл-насабини белгилаш, никоҳ ёши, вояга етмаган болалар таъминоти, маҳр, идда институти тўғрисидаги қоидалар асосида Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тавсиялар шунингдек, оила қуриш бўсағасида турган ёшларни никоҳга, оилавий муносабатларга тайёрлаш мақсадида улар учун ФХДЁ органларида “Оиланинг маънавий асослари” рукни остида маърузалар, таълим муассасаларида йигит ва қизларни турмушга тайёрлаш, эрта никоҳ, репродуктив саломатлик, гигиена масалалари бўйича билим даражаси ва кўникмаларини ошириш мақсадида “Оила мактаби” махсус курсларини ташкил қилиш тўғрисидаги тавсиялар Ўзбекистон Республикасида оилавий ҳуқуқ ва манфаатларни янада мустаҳкамлаш, оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал тизимини ривожлантириш ва оилада фарзандларни ҳар томонлама етук шахс

сифатида тарбиялаш, жамиятда оилавий ажримлар сони камайишига эришиш билан боғлиқ стратегик вазифаларни бажаришга қаратилган кенг кўламли ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг, хулосаларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид муаллифнинг қарашлари, таклиф ва тавсияларининг амалиётга жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ислом оила ҳуқуқини ўрганиш бўйича илмий-назарий билимларни бойитишда, қонун ижодкорлигида, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда ҳамда Ўзбекистон ҳудудида ислом оила ҳуқуқига оид яратилган фикрвий манбаларнинг ҳуқуқий таҳлили асосида олинган натижалар соҳага доир услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга оид қонунчиликни такомиллаштиришда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришда, шунингдек, оилавий муносабатлар иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш механизмини такомиллаштиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда шунингдек, “Оила” илмий амалий тадқиқот марказининг жойларда олиб борадиган ташвиқот ишларида, таълим муассаларида “Оила ҳуқуқи”, фанини ўқитишда, хотин-қизлар кўмиталари, Маҳалла жамғармаси, ҳуқуқий маърифий тарғибот марказларида фуқаролар билан олиб борилаётган тарғибот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация иши натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

жамиятда оилага, оилавий ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан масъулиятни оширишга қаратилган, никоҳ ёшени катталаштириш бўйича, оилада фарзандларнинг насл-насабини белгилаш, уларни парваришлаш, таълим-тарбия бериш, таъминотини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари юзасидан, ислом ҳуқуқида насабни аниқлаш ҳамда оилани сақлаб қолиш имконини берувчи ҳамда аёлларнинг моддий ва маънавий ҳимоя кафолати сифатида қаралувчи идда институти меъёрларидан фойдаланишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Оила қонунчилигини такомиллаштиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2018 йил 29 ноябрдаги 06-16/1801-сонли далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар бола вояга етгунига қадар бўлган давр учун олдиндан тўланиши мумкинлигига оид тақлифлардан 09.01.2018 йилдаги №ЎРҚ-476-сонли Қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 135-моддасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 24 декабрдаги 06-/1-05/976/-сонли далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментни тўлаш ва ундириш тартиби механизмини белгиловчи қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилган;

оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги ислом ҳуқуқининг асрлар давомида ҳаёт тажрибаси синовларидан ўтган оила манфаатларига тўла жавоб берадиган меъёрларини жойларда соҳа мутахассислари томонидан тўғри тушунтириш орқали ёшларни никоҳга, оилавий муносабатларга тайёрлаш мақсадида улар учун ФХДЁ органларида маърузалар ташкил этиш, таълим муассасаларида йигит ва қизларни турмушга тайёрлаш, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, репродуктив саломатлик, гигиена масалалари бўйича билим даражаси ва кўникмаларини ошириш мақсадида махсус курсларни ўқитиш зарурлигига оид тавсиялардан “Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича МФЙ мутахассислари” малакасини ошириш курсларида, ФХДЁ органларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2018 йил 30 ноябрдаги 884-сонли далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш оилаларни, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, жамиятда оилавий ажримлар сони камайишига эришиш, ёшларга оила ва никоҳнинг муқаддаслигини кенг тушунтириш ишларини ташкил этишда хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017) қарори, “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018) фармонида белгиланган дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аجدодларимизнинг асарлари тадқиқини кенгайтириш, уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш ва илмий муомалага киритишга оид вазифалар ижросини амалга ошириш мақсадида классик фикҳий асарлардаги оилавий муносабатларга оид қарашлар ҳуқуқий нуктаи назардан ўрганилиб, Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда мақсадли тайёрланган “Мовароуннаҳр ҳанафий фақиҳлари асарларида оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга оид қарашларнинг моҳияти” номли монографияда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 4 декабрдаги 6581-сонли далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва вояга етмаган болалар томонидан содир этилаётган жиноятлар олдини олиш ишларини тизимли амалга оширишда хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси”даги (2018) фармонида белгиланган оила институтини ривожлантиришга доир маданий мерос, оилавий кадриятлар муаммоларига бағишланган тадқиқотларни амалга ошириш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилага тайёрлаш ва оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган умуминсоний, миллий оилавий кадриятларни таҳлил қилишга оид вазифалар ижроси бўйича “Оилавий ҳаётнинг шаръий асослари” номли рисола тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг 2018 йил 20 декабрдаги 04/1542-18-сонли далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш оила ва жамиятда хотин-қизлар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, айрим руҳий тушкун ҳолатдаги аёлларни ижтимоий-психологик ҳимоя қилиш ишларини тизимли амалга оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда, жумладан “Ўзбекистонда дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлиги” (Тошкент, 2009), “Назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда илғор педагогик услублардан фойдаланиш” (Тошкент, 2009), “Миллий ва маънавий кадриятларнинг юксалишида аёлларнинг ўрни” (Тошкент, 2016), “Аёл, оила ва жамият: Қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” (Тошкент, 2017), “Оиланинг ижтимоий-демографик муаммолари” (Тошкент, 2018), “Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш: миллий ва хорижий илғор тажрибалар” (Тошкент, 2018), “The role of the family in the spiritual and moral education of children and youth” (Тошкент, 2018), “Scientific researches for development future” (New York, USA, 2018) мавзуларидаги республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича 45 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография ва 3 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола (17 таси республика, 4 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 225 саҳифа асосий матн ва 44 саҳифа иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, натижаларнинг

ишончилиги ва эълон қилинганлиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ислом оила ҳуқуқининг пайдо бўлиши, ривожланиши, тушунчаси, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари”** деб номланади, унда ислом ҳуқуқи тизимининг келиб чиқиши, ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий асослари назарий жиҳатдан ўрганилиб, ислом ҳуқуқи тизими асрлар давомида турли дунёвий давлатлар ҳуқуқий пойдеворини ташкил этган ҳолда, амалий ҳаётда татбиқ этилиб келингани ва асосан дунёвий ҳуқуқий нормалар мажмуаси сифатида талқин этилиши лозимлигига оид мунозарали жиҳатлар таҳлил этилган.

Диссертацияда ислом ҳуқуқи мамлакатимизнинг Мовароуннаҳр давридаги, давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихининг ажралмас таркибий қисми эканлиги тадқиқ этилиб, Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг буюк намояндалари ёзган нодир асарлар туфайли ўз тараққиётига кўтарилган ислом ҳуқуқи халқимиз маънавий-ҳуқуқий меросининг узвий ажралмас қисми сифатида асрлар давомида Марказий Осиё халқлари ҳаётида муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келганлиги асослантирилган. Зеро, Мовароуннаҳр фикҳ таълимоти намояндалари ушбу ўлка халқларининг ҳуқуқий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумларини умумисломий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, бой ёзма мерослар – фикҳий қўлланмалар, фатво тўпламлари, фақиҳлар таржимаи ҳолига бағишланган рисоалар ёзиб қолдирдилар.

Тадқиқотда ислом ҳуқуқи ижтимоий ҳодиса сифатида ислом дини негизида юзага келганлиги боис, унинг диний характерга эга эканлиги, ўзининг ривожланиш босқичида, дастлаб Қуръон ва Суннага асосланган ҳолда араблар жамиятида мавжуд баъзи урф-одатлардан ҳам фойдаланганлиги, яъни уларнинг айримлари Қуръон оятлари ёки ҳадислар орқали умуман бекор қилиниб, айримларига ўзгартиришлар киритиб қабул қилинганлиги ва баъзиларига қонуний тус берилгани тарихий-ҳуқуқий манбалар, шунингдек, бугунги давр миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, илмий адабиётлар, тадқиқотлар асосида тарихий-тадрижий жиҳатдан ўрганилиб таҳлил этилди.

Жумладан, диссертацияда оилавий муносабатларга доир исломгача бўлган даврдаги маълум ўзгартиришлар билан қабул қилинган одатлар сифатида қуйидагилар аниқланди: кўп хотинлилик тўртта билан чекланди; маҳр турмушга узатилаётган аёлнинг ҳаққи деб эълон қилинди; ражъий талоқ қилиш ҳуқуқи икки марта билан чекланди; ийло, яъни хотинига яқинлик қилмасликка қасам ичиб, бир ёки икки йил яқинлик қилмаса ажрашган ҳисобланар эди, ислом ҳуқуқи кутиш муддатини 4 ой этиб белгилаб, муддатнинг тугаши билан талоқ тушиши жорий қилди; зиҳор талоқ ҳисобланган бўлса, ислом ҳуқуқи бунини талоқ деб қабул қилмаган, балки жарима тўлаш келтириб чиқарадиган қасам сифатида қабул қилган ва эр каффорат тўламагунича аёлига яқинлик қилишни тақиқланган; эри ўлган аёлнинг иддаси 1 йил бўлган бўлса, ислом ҳуқуқи бунини илк даврда айнан қабул қилиб, сўнг 4 ой 10 кунга туширилган; киши истаган кишига истаган

миқдорда молини васият қилиши мумкин эди, ислом ҳуқуқи қонуний меросхўрларга васиятни тақиқлади ва васият қилинадиган молни мерос мулкининг 1/3 миқдори билан чеклади.

Шу билан бирга айрим турдаги тартиб-қоидалар кескин ўзгартирилди. Жумладан: аёллар меросхўрлар гуруҳига кирмас эди, ислом ҳуқуқи аёлларга мерос олиш ҳуқуқини берди; зино жиноятида фақат аёллар жазоланар эди, ислом ҳуқуқи эркакларни ҳам зино жинояти содир этгинлиги учун жазолашни жорий этди.

Юқоридаги асослардан келиб чиқиб, диссертацияда ислом ҳуқуқи нормалари асосан Қуръон ва сунна асосида белгиланганлиги баробарида, у амалий ҳаётда бошқа қонуний тизимлар каби ўз тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, шариат ҳукмларини илоҳий манбалардан аниқлаб олиш, улардан олинган тушунчаларни белгилаб бериш услубларини яратиш каби фаолиятлар ислом тарихида эришилган илмий, маданий, ижтимоий ва сиёсий тажрибаларнинг маҳсули сифатида ўрганилди. Негаки, ислом ҳуқуқи нормаларининг барчаси ахлоқий мажбуриятлар сифатида талқин этилиши мумкин эмас, ислом ҳуқуқида ахлоқий меъёрлар ижобий аҳамиятга эга бўлса ҳам, исломда оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, вақф ҳуқуқи ва бошқа кўплаб ҳуқуқ соҳаларнинг ҳеч бири соф ахлоқий нормалардан иборат эмас, балки амалий-дунёвий моҳиятга эга.

Шу нуқтаи назардан диссертацияда ислом ҳуқуқида оила ҳуқуқи тушунчаси ўзига хос хусусиятларга эга ҳуқуқ соҳаси сифатида ушбу хусусиятлар ислом ҳуқуқининг шаклланиши ва тарихий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши, оила ҳуқуқи ислом ҳуқуқининг бош йўналтирувчи соҳаси эканлиги эътироф этилди. Ислом оила ҳуқуқи ўз мазмунига кўра, никоҳни қайд қилиш шартлари ва тартиби, унга қаршилик қилувчи ҳолатлар, эр-хотинлик, эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар, оила бошқа аъзоларининг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳни тугатиш асослари ва тартиби, унинг ҳуқуқий оқибатлари, васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар ва институтлар мажмуидир. Ҳам ҳуқуқий, ҳам умумий қоидаларни ўз ичига олган ислом ҳуқуқида оила ҳуқуқи нафақат ҳуқуқий нормалар билан, балки соф диний нормалар орқали ҳам белгиланади. Шунингдек, оила ҳуқуқи ислом ҳуқуқининг бошқа соҳаларидан ўзининг объекти ва субъекти билан ҳам фарқ қилади.

Ислом оила ҳуқуқи соҳаси ва унинг институтларини тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ қилганда тадқиқотчилар таъкидлаб ўтганидек: “унинг сиёсат, маданият ва диннинг назарий қоидалари билан ҳам билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олиш лозимлиги талаб этилади”. Дарҳақиқат, ислом оила ҳуқуқи институтларининг таҳлили масалага бевосита ҳуқуқ нормалари сифатида ёндошиш баробарида жамиятдаги умумижтимоий, ғоявий, сиёсий жараёнлар билан боғлаб ўрганиш зарур.

Диссертацияда ислом оила ҳуқуқи ислом ҳуқуқининг алоҳида тармоғи сифатида, ўзининг мазмуни, манбалари, институтлари, тартибга соладиган муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан бошқа ҳуқуқ тармоқларидан ажралиб туриши қуйидагича асослантирилди: ислом оила ҳуқуқи

нормаларида диний, маънавий, ҳуқуқий ва ахлоқ нормалари, кишиларнинг нафақат оилада, балки жамоат жойларидаги юриш-туриш қоидалари, оила ҳаётининг асосий тамойиллари, оила-никоҳ муносабатлари, эр-хотин, ота-она билан болалар ҳамда бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабат, бола тарбияси ва бошқа соҳаларда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган; никоҳ ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро тенг субъектларнинг мустақил танлови асосида оила ташкил қилиш натижасида ўзаро ҳуқуқ ва бурчларни келтириб чиқарадиган фуқаролик ҳуқуқий шартномасидир; никоҳ масаласига фақатгина икки ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро тенг субъектларнинг шартномаси сифатида эмас балки, никоҳга ибодат сифатида ҳам алоҳида урғу берилади; ислом ҳуқуқида никоҳ ислом ахлоқий қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда тузилиши лозим; оилада эркак ва аёл биргаликда такомиллашишга, ривожланишга имкон берувчи, бир-бирини тўлдирувчи бир-бутун шахслар сифатида қаралади; эркак ва аёлнинг никоҳсиз табиий эҳтиёжларини қондиришлари қатъиян тақиқланган бўлиб, ислом оила ҳуқуқида никоҳ муқаддас ва оила бузилмас деб эътироф этилади, эркак билан аёл ўртасидаги муносабатнинг муқаддаслиги ҳимоя қилинган.

Диссертациянинг **“Ислом оила ҳуқуқининг манбалари ва институтларининг умумий тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида ислом оила ҳуқуқи муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиб келган шариатнинг асосий ва қўшимча манбалари, оила ҳуқуқига оид фикҳий асарлар ҳамда ислом оила ҳуқуқининг асосий институтлари таҳлил этилган. Диссертацияда ислом оила ҳуқуқининг манбалари ва институтларини шархлашда куйидаги асосий принциплар ислом ҳуқуқи тизимининг бош йўналтирувчи мақсадлари сифатида ифодаланди: ислом оила ҳуқуқи манбалари – бу ушбу ҳуқуқнинг яхлит тизим сифатида ташкил топишига асос бўлиб хизмат қилувчи, оила ҳуқуқи нормаларининг ташқи қиёфасини ўзида акс эттирувчи ҳуқуқ шакллари; ислом ҳуқуқи диний ҳуқуқий тизимга мансуб бўлиб, у бошқа ҳуқуқий тизимлардан манбалари билан фарқ қилиб, Қуръони карим, Сунна, ижмо, қиёс оила ҳуқуқининг асосий манбаларидир; ислом оила ҳуқуқининг ушбу илоҳий манбалари ислом дини таълимоти ва унинг ақидалари билан чамбарчас боғлиқ; ислом оила ҳуқуқи манбалари барқарор ва бир-бирини тўлдиради.

Ушбу бобда Қуръони каримда оилавий муносабатларни тартибга солишга алоқадор бўлган оятлар: оила қуриш, никоҳ, маҳр, талоқ, идда, бола эмизиш масалалари, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидалар сифатида ажратиб олиниб тизимли ўрганиб чиқилган ва ислом оила ҳуқуқи институтлари меъёрларини белгиланиши нуқтаи назаридан Қуръони карим оятларини куйиддагича таснифланди:

- “Бақара” сурасининг 221-223, 226-237, 240-241, “Нисо” сурасининг 3-4, 19, 25, 34-35, 128-130, “Моида” сурасининг 5, “Нур” сурасининг 32-33, “Рум” сурасининг 21, “Аҳзоб” сурасининг 4, 6, 36-38, 49-53, “Мужодала” сурасининг 1-4, “Мумтаҳана” сурасининг 10-11, “Талоқ” сурасининг 1-7, “Таҳрим” сурасининг 1-5 оятларида оила тушунчаси ва никоҳ тушунчаси,

талoқ турлари ва унинг oқибатлари, нафақа тушунчаси ва унинг асослари, миқдори, маҳр тушунчаси, идда ва унинг қоидаси, фарзандни парваришлар ва унинг таъминоти каби қоидалар белгиланган.

- “Бақара” сурасининг 180-182, 240, “Нисо” сурасининг 7, 11-12, 19, 176, “Ахзоб” сурасининг 4-5, 37, 40 оятларида оила аъзолари ўртасида юзага келадиган меросга оид қон-қариндошлик тушунчалари, мерос тақсимооти, меросдаги улушлар ва васият ҳуқуқига оид қатъий меъёрлар тартибга солинган.

- “Бақара” сурасининг 27, 83, 215, “Нисо” сурасининг 1, 36, “Анъом” сурасининг 151, “Раъд” сурасининг 25, “Наҳл” сурасининг 90, “Исро” сурасининг 23, 24, 26, “Анкабут” сурасининг 8, “Рум” сурасининг 38, “Луқмон” сурасининг 14, 15, “Аҳқоф” сурасининг 15-17, “Муҳаммад” сурасининг 22, 23 оятларида оилада фарзандларнинг ота-онага нисбатан мажбуриятлари ҳамда қариндошлар ўртасидаги ўзаро маънавий ва моддий ғамхўрлик, яхши қариндошчилик алоқаларини ўрнатишга кўрсатмалар берилган.

Диссертацияда оилавий муносабатларни тартибга солувчи ҳадислар сони, уларни Қуръон оаятларига нисбатан тўтган ўрни аниқланди. Улар икки юздан ортиқ бўлиб, уларда никоҳ шартлари ва уни қайд қилиш тартиби, гувоҳлар, маҳр ва унинг миқдори, тўй маросими, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, кўп хотинли эркакнинг хотинлар билан бирга бўлиши, уларни моддий жиҳатдан таъминлаши, никоҳни тугатиш асослари, қайтар ва қайтмас талоқ, уларнинг оқибатлари, тугатилган никоҳни тиклаш тартиби, идда ва унинг муддатлари, нафақа, ҳомийлик ва бола тарбияси ва ҳ.к. билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ўз аксини топган. Оилавий муносабатларни тартибга солувчи ҳадислар асосан Қуръон оятларини қўллаб-қувватлаш, Қуръон ҳукмларидаги баъзи ноаниқликлар (мужмал, ғариб кабилар)ни изоҳлаш, керак бўлса баъзи ҳукмларнинг амал қилиш доирасини чеклаш ёки кенгайтириш ва янги меъёрлар жорий қилиш функцияларини бажарган.

Масалан, “Нисо” сурасида аёлларнинг мерос улушлари кўрсатиб берилган бўлса, ҳадисларда ҳам ушбу меъёр асосида Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳукм чиқарганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, ушбу сурада уйланиш ҳақида ҳукм келган, ҳадисларда эса уйланиш тартиби ва шакли ойдинлаштирилади. Яна мерос оятида умумий ҳолда мерос тақсимооти ҳақида гап кетади, ҳадисларда қонуний меросхўрга васият қилинмаслиги ҳамда васият мерос мулкнинг фақат учдан бир қисми миқдоридан ошмаслиги кўрсатилган. Шу билан бирга “Нисо” сурасида никоҳланиш таъқиқланган аёллар санаб ўтилган, ҳадислар унга баъзи қўшимчаларни киритган ва баъзи никоҳ турларини таъқиқлаган.

Тадқиқот татижасида аниқланишича, оилавий муносабатлар доирасида суннада никоҳ шартномасини тузиш, гувоҳлик, розилик шартлари, никоҳ шартномасида томонларнинг шартлар қўйиши, никоҳда валийнинг иштироки, уйланиш таъқиқланган аёллар, маҳрамликни юзага келтирадиган эмизишнинг шартлари, маҳр, нафақа ва мерос олиш каби мулкӣ ҳуқуқлар,

таъқиқланган никоҳ шакллари, эрнинг аёлга нисбатан қандай муносабатда бўлиши, аёлнинг никоҳни бекор қилиш ҳуқуқи, эри бедарак йўқолган аёл ҳуқуқлари ва насабни белгилаш шартлари баён қилинган.

Диссертацияда ижмоъ орқали тартибга солинган қуйидаги меъёрлар аниқланди: маҳр белгиламасдан ҳам никоҳни қайд этиш мумкинлиги, аёл кишини аммаси ёки ҳоласи билан бир эркак никоҳида бўлиш мумкин эмаслиги, муслиманинг мусулмон бўлмаган эркакга турмушга чиқиши мумкин эмаслиги, ўғилнинг ўз ўғлини бобосидан мерос олишдан тўсиб қўйиши. Вояга етмаган қизни турмушга беришда отагагина валийлик ваколатининг берилиши, ҳайз ҳолатидаги хотинга яқинлик қилиш мумкин эмаслиги масалалари қиёсга асосланиб чиқарилган ҳукмлар сирасига киради.

Шунингдек, тадқиқотда оила ҳуқуқига оид ислом ҳуқуқининг қўшимча манбаларида белгиланган қоидалар ҳам аниқланди. Масалан, масолиҳул мурсала асосида ҳанафий мазҳабида оила ҳуқуқига оид қуйидаги меъёрлар тартибга солинган: эр-хотинликларини исботловчи расмий ҳужжат бўлмаса, эр-хотинлик тўғрисидаги даъволар кўрилмади, ҳалифа Умар даврида бир лафз билан айтилган уч талоқ уч талоққа ҳукм қилинган, ҳалифа Усмон даврида эр ўз хотинини меросдан маҳрум қилиш ниятида ўлими олдидан хотинини талоқ қилса, хотин меросхўр бўла олиши белгиланди. Урфга оид қоидалар асосида: уйланишда келин ва куёвнинг бир-бирларига тенг бўлишларига риоя қилинади; эр-хотин маҳрнинг аввалдан ёки кейин бериладиган қисмларига келиша олмасалар, урфга асосан ҳал қилинади.

Диссертацияда фикҳий асарлардаги оила институти нормалари таҳлили, жумладан, Мовароуннаҳр фақиҳларидан Фаҳруддин Қозихон, Бурхониддин Марғинович, Ифтихоруддин Тохир ал-Бухорий Алоуддин ас-Самарқандийларнинг асарлари илмий тадқиқ этилди.

Таҳлил этиш жараёнида аниқланишича: улар фикҳга оид ўз асарларида оила ҳуқуқига оид масалаларни ечишда янги хулоса услубларни жорий этиб, фикҳ илми соҳасида янги даврни бошлаб бердилар; алломалар оилавий ҳуқуқий масалани ёритиш учун, биринчидан, шариатнинг асосий манбалари, ундан кейин мазҳаббошиларнинг асарлари, шунингдек, ислом оила ҳуқуқи нормаларига оид кўплаб фикҳий асарларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни бир-бири билан солиштириб, асосли хулосалар чиқаришган; юртимиз алломалари ўз асарларида ислом ҳуқуқида оиланинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳволини, оилавий муносабатларнинг шаклланиши ва уни мустаҳкамлаш асосларини, оила ҳуқуқи меъёрларига маҳаллий урф-одатларнинг таъсир этиб бориши билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилганлар.

Масалан, Фатавои Қозихонда оилавий ҳуқуқий муносабатлар илк ҳанафий уламолар билан кейинги давр фақиҳларнинг фикрлари, Абу Ҳанифа билан унинг шогирдлари қарашлари ўртасидаги фарқлар асосида баён қилинган. Бир хил мавзуга оид қарашлардан фақат машҳур фатволар зикр қилинган. Асарда ҳукмларнинг далиллари келтирилмади, бошқа мазҳаблар қарашлари кам келтирилган. Ироқ, Бухоро, Балх ва Самарқанддаги кейинги

давр фақиҳлари қарашларининг таҳлил қилиниши асарнинг ўзига хос аҳамиятини белгилаб берган.

Фахруддин Қозихон Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган маҳаллий урф-одатларга кенг тўхталиб ўтган. Фақиҳ, маҳаллий амалиётлардан далиллар келтирилганда, форсча иборалардан кенг фойдаланган.

Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида эса никоҳ ва талоққа оид меъёрлар ҳанафий мазҳаби қоидалари бошқа суннийлик мазҳаблари билан қиёсий ўрганилган. Масалан, ҳанафий мазҳабига биноан, “Мутъа никоҳи” ноқонуний ҳисобланади, аммо Имом Моликнинг наздида ушбу никоҳ тури мумкин дейилади. Марғиноний эса, мутъа никоҳи саҳобаларнинг ижмоси билан бекор бўлганини таъкидлайди. Демак, асарда мужтаҳид фақиҳлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян ҳуқуқий масалаларда энг маъқул ечимни танлаб олиш услубига амал қилинган. Шу тариқа асарда қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукамал шарҳи ҳам асосланган.

Яна бир фикҳий асар “Тухфат ал-фуқоҳ”да никоҳга монъелик қилувчи сабаблар ниҳоятда батафсил баён этилган. Масалан, қариндошлик сабабли никоҳланиш мумкин бўлмаган ҳолатларни еттига тоифага ажратиб асослайди. Фақиҳнинг айнан шу масалани батафсил баён қилишидан ўз давридаги одатларга кўра, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларни олдини олишга ҳаракат қилганлиги англашилади.

Юртимизда яратилган фикҳий асарлар таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, мазкур асарларда ҳуқуқ тизимини алоҳида ҳуқуқ соҳаларига, уларни ҳуқуқ институтларига бўлиб ўрганиш масаласида ислом ҳуқуқшунослари ўзларининг европалик ҳамкасбларини бир неча асрларга ортда қолдирган эди. Хусусан, “Фатовои Қозихон” асари ислом ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, ҳар бир ҳуқуқ соҳаси нормалари алоҳида китобга жамланган. Ҳуқуқ соҳаси институтларга бўлиниб, уларнинг нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар китобнинг алоҳида бобларида баён этилган.

Мовароуннаҳр минтақасида қандай мавзулар ўта долзарб бўлганлигини асарлардаги қоидаларни асослашда Қуръони карим ва ҳадис далиллари билан фойдаланиш нисбатига таяниб ҳам аниқлаш мумкин. Асарларда ҳуқуқий масалаларнинг Қуръони карим ва ҳадислар билан асосланиши жуда ҳам оз ўринларда келтирилади. Фақатгина масалага тегишли ҳукм ва фатвони ўзи келтирилган. Оят ва ҳадислардан иқтибос келтирилганда асосан, кишиларни оила ва жамият олдидаги масъулиятини оширишга алоҳида урғу берилган.

Диссертацияда ислом оила ҳуқуқи институти мазмунан бир-бирига яқин оилавий муносабатларни тартибга солувчи ислом ҳуқуқи нормалари мажмуи эканлигини назарда тутган ҳолда ислом оила ҳуқуқининг асосий институтлари сифатида қуйидагилар белгиланди: Никоҳ институти нормалари никоҳни қайд этиш шартлари, тартиби, никоҳга монъелик қиладиган ҳолатлар, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги натижасида келиб чиқадиган оқибатлар билан боғлиқ нормалардир; маҳр институти унинг миқдори, хотиннинг маҳрни тасарруф қилиш ҳуқуқи, маҳрни берилиш ҳолатлар каби муносабатларни тартибга солади; эр-хотинлик институти

нормалари билан эр ва хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари тартибга солинади; бола тарбияси институти болани парвариш қилиш, тарбиялаш, касб-ҳунар, билим бериш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таъминот бўйича ота ва онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради; талоқ институти нормалари талоқнинг мазмуни ва моҳияти, турлари, ҳуқуқий оқибатларини тартибга солади; идда институти идданинг мақсади, муддати, унга риоя қилиш шартлари, оқибатларини аниқлайди; нафақа институти оила аъзоларининг ўзаро таъминот бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади; васийлик ва ҳомийлик институти нормалари билан етимларга ва ақли норасоларга васий ва ҳомий тайинлаш шартлари ва тартиби боғлиқ муносабатлар белгиланади.

Тадқиқот ишининг **“Ислом оила ҳуқуқининг никоҳ институти”** деб номланган учинчи боби исломда никоҳ шартномаси тушунчаси, тузиш шартлари, никоҳ лафзлари, тартиби, никоҳга монелик қиладиган ҳолатлар, эр-хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид ҳуқуқий муносабатлар таҳлилига бағишланади. Ислом оила ҳуқуқида никоҳ шартномаси қуйидаги тамойиллар асосида ўрганилди: ислом таълимоти бўйича эркак ва аёл никоҳ шартномаси орқалигина бир оилани ташкил қилишларидан кўзланган асосий мақсад ҳар томонлама соғлом фарзанддир; никоҳ – эркак ва аёл орасидаги табиий муносабатларнинг ижтимоий зарурий, барқарор шакли; ислом ҳуқуқида ҳар бир эркак ва аёлнинг никоҳга кириш ва оила қуришдаги тенглиги кафолатланган; никоҳ ислом динида ибодат бўлиб, тарки дунё қилиш макруҳ амал ҳисобланади; никоҳланувчи аёл билан эркакнинг ўзаро эркин розиликлари, айниқса аёлларнинг никоҳга розилиги муҳимдир; никоҳ валийнинг ҳозирлигида ва гувоҳлар иштирокида тузилиши баробарида гувоҳлар маълум талабларга жавоб бериши шарт; никоҳнинг кўшимча шарти этиб Кафоат белгиланган бўлиб, унга кўра, никоҳланаётган эр – аёлга насл-насаб, дин, озодлик, бойлик, ҳунар ва диндорлик нуқтаи назаридан муносиб бўлиши шарт қилинади; ислом оила ҳуқуқида аёлнинг никоҳга рози бўлганлиги ва никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган мажбурият сифатида эркакнинг аёлга маҳр бериши белгиланган бўлиб, маҳрнинг миқдори, шакли, берилиш вақти келишилган бўлиши ва маҳр аёлнинг хусусий мулкига айланиши асосий қоида сифатида қайд этилган.

Диссертацияда ислом ҳуқуқида никоҳга монелик қиладиган ҳолатларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан никоҳга киришувчи шахсларга нисбатан белгиланган шартлар исломнинг классик манбалари, фикҳий асарлардан Ҳидоя, Фатовои Қозихон, Хулосат ал-фатово, Тухфат ал-фуқаҳо китоблар асосида таҳлил этилди. Ислом ҳуқуқига кўра, никоҳ тузиш учун ҳар иккала томоннинг соғлом бўлиши, яқин қариндошлик муносабатида бўлмаслиги алоҳида таъкидланган ҳамда фикҳий манбаларда мукаммал таҳлил этилган бўлиб, унга кўра, никоҳланиш мумкин бўлмаган ҳолат насаб, қудачилик ва эмикдошлик, диндаги фарқ, аёл бировнинг никоҳида бўлишлиги, идда муддатини ўтаётганлик фактларига жиддий аҳамият берилган. Шунингдек, ислом оила ҳуқуқида томонларнинг муомала лаёқатига эга бўлиши, ҳар икки томоннинг никоҳ ёшига етган бўлишлари,

ҳанафий мазҳабида никоҳ ёшига етганлик ва эркин изҳор этилган розилик асосида турмуш қуриш ёши энг ками қиз болаларда 17, ўғил болаларда 18 ёш этиб белгиланганлиги; фузулий никоҳ – валийлик ваколатига эга бўлмаган бир кишининг никоҳга киришувчиларнинг розилигини билмаган ҳолда уларни никоҳлантирмаслиги шарт қилинган.

Ислом ҳуқуқида лаёқат тушунчаси амалдаги фуқаролик ҳуқуқидаги сингари иккига бўлинади: 1. Ҳуқуқ лаёқати; 2. Муомала лаёқати.

Ислом оила ҳуқуқида томонларнинг муомала лаёқатига эга бўлиши асосий шарт қилинади. Муомала лаёқатида инсоннинг ақлан соғломлиги эътиборга олиниб, унинг аломати сифатида инсоннинг фарзандли бўла олиш қобилияти билан белгиланади. Агар ушбу табиий белги кўринмаса ёш орқали муомала лаёқати аниқланади. Бундай лаёқатга эга бўлиш ёшини белгилашда фақиҳлар энг кам ёш ва энг юқори ёшни белгилашган. Энг кам ёш ўғил болаларда 12, қизларда 9 ёш ҳамда энг юқори ёш эса ҳанафий мазҳабига кўра 15 ёш деб белгиланган. Абу Ҳанифа ўзи энг юқори ёшни ўғил болаларда 18 ёш қиз болаларда 17 ёш дейди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қизларни ёш никоҳлаш масаласи фикҳ китобларида учраса ҳам бу нодир ҳолат бўлган. Тадиқот жараёнида аниқландики, бундай никоҳдан мақсад – асосан унаштириш. Халқда балоғат ёшининг қиз болаларга 9 ва ўғил болаларга 12 ёш этиб белгилангани никоҳ ёши сифатида нотўғри талқин этилади. Аслида бу балоғат ёшининг энг кам босқичидир.

Демак, ислом ҳуқуқига кўра, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний (саҳиҳ) никоҳ оқибатида юзага келади. Ислом ҳуқуқида никоҳга шартли равишда шартнома сифатда қаралиб унда томонлар ўзаро келишув асосида маълум шартларни белгилашлари, шартлар хоҳ мулкӣ, хоҳ шахсий номулкӣ муносабатларга боғлиқ шартлар бўлиши мумкин, агар шартлар амалга ошмаса никоҳ ноқонуний бўлади, агар шарт шарият томонидан маъқулланмаган ҳаракат бўлса никоҳ қонуний ҳисобланиб шарт эътиборга олинмайди. Диссертацияда никоҳ шартномасини тузишда томонлар тенг иттифоқ – келишувга эга бўлишлари ва улар ўртасида қуйидаги ўзаро тенг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланганлиги аниқланди: шахсий ҳуқуқлар яъни эр-хотиннинг болалар тарбияси ва турмуш масалаларини ҳал этишдаги, эр-хотиннинг касб ва турар жойга эгалик қилишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзига хослиги, унга кўра эркак аёлни уй-жой билан таъминлаши баробарида аёл никоҳ тузилаётганда турар-жой юзасидан шарт қўйиш ҳуқуқига эга; касб корга эга бўлишда томонлар тенгдирлар, лекин, аёлнинг таъминоти эр зиммасида. Исломда аёлнинг илм олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланган, аммо оила таъминоти тўлиқ эрнинг мажбурияти этиб белгиланган; фарзандлар тарбияси масаласи эр-хотинга алоқадор бўлибгина қолмай, балки болаларнинг манфаатларини ҳам ўз ичига олгани сабабли эр-хотин болалар тарбиясида бирдек ҳуқуқ ва мажбуриятга эгалар; саҳиҳ никоҳ битими асосида эр ва хотин ўртасидаги: маҳр, нафақа, меросга оид мулкӣ мажбуриятлар келиб чиқади; шариятда эр-хотиннинг умумий мулки деган тушунча мавжуд эмас.

Томонлар никоҳ давомида ўз номига расмийлаштирган ҳар қандай мол-мулкини эркин тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлиши баробарида эр хотинини никоҳ давомида нафақа билан таъминлашга масъул; нафақа эрнинг аёл олдидаги энг катта ва давомли, бекор бўлмайдиган мажбурияти ҳисобланиб, ушбу мажбурият аёлни озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаш орқали амалга ошади; фикҳий манбаларда эр хотинни таом, кийим-кечак, турар жойдан ташқари уй жиҳозлари билан таъминлаши ҳам шарт, деб келтирилган; эрнинг нафақа мажбурияти никоҳ муносабатлари тугатилиб, хотин идда муддатини ўтаётган ҳолатда ҳам тугамайди, агар ажрашган аёл хомиладор бўлса, фарзанд туғилгунга қадар нафақа билан таъминланади; ислом оила ҳуқуқи эр-хотиннинг шахсий ва мулки ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда уларнинг жисмоний, биологик ва руҳий хусусиятларини ҳисобга олиб эрнинг оила раҳбари, таъминотчиси, оиланинг ҳимоячиси экани эътироф қилинди, бунинг натижасида аёлнинг эрига нисбатан итоати, оила равнақи учун масъуллиги талаб этилади.

Шунингдек, диссертациянинг ушбу бобида аниқ илмий таҳлиллар, статистик маълумотлар ва реал воқеъликга асосланган ҳолда, ислом оила ҳуқуқидаги маҳр масаласи ўзига хос ижобий характерга эга эканлигини, никоҳ шартномасида маҳрнинг белгиланиши билан жамиятда оилага, хусусан, аёлга нисбатан масъулият ошиб, ҳуда-беҳудага ажралишлар сонининг камайишига ёрдам беришини назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг “Эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби” бобида ўз ифодасини топишига оид таклиф ҳамда никоҳ ёши масаласини ислом оила ҳуқуқи манбалари асосидаги таҳлилларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 15-моддасини “Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади” деган жумлани, “никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз, аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади” деган жумла билан ўзгартириш бўйича амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Никоҳнинг тугатилиш асослари, оқибатлари, ҳамда бола тарбияси, васийлик ва ҳомийлик институтлари”** деб номланиб, унда ислом оила ҳуқуқида никоҳни тугатилиш асослари, турлари, никоҳни бекор қилишдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ота-она, фарзандлар ҳамда оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни таъминлашнинг институционал механизми классик манбалар, ҳамда фикҳий асарлар асосида, мазҳаблар ўртасидаги жузъий масалаларни қиёсий ўрганган ҳолда илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Диссертацияда ислом ҳуқуқида никоҳни тугатилиш асослари, турлари, никоҳни тугатишда субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатларини тадқиқ этиб, ислом оила ҳуқуқида никоҳни тугатиш институтига оид асосий меъёрлар атрофлича ёритиб берилган. Тадқиқотда таъкидланадики, ислом ҳуқуқида никоҳни бекор қилиниши аслида тақиқланган, ўта зарурат юзасидан никоҳни бекор қилишга рухсат этилади. Мазкур боб доирасида никоҳни бекор бўлиши томонлардан бирининг ўлими, талоқ, хулуъ, тафриқ, ийлаа, зихор, мулоъана,

фасх фактларига асосланиши тизимлаштирилган ҳолда ҳар бири мазмунан тадқиқ этилди: талоқ орқали никоҳни бекор қилиш муомалага лаёқатли эрнинг ҳуқуқи бўлиб, у қасд қилинган ният, баён этилиш услуги, жойи, ҳолати, шартига қараб маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи боин (кичик ва катта) ва ражъий талоқ турларига бўлинади; никоҳ – хулуъ аёл ташаббуси билан, эрга моддий эваз бериш асосида бекор қилиниши бўлиб, у боиндир, хотиннинг маҳр ва нафақаланиш ҳуқуқи тўхтайдди; тафриқ – аёлнинг талаби билан маълум ўта жиддий сабаблар асосида никоҳнинг суд томонидан бекор қилинади; ийлаа, зиҳор оқибатида эса никоҳнинг бекор қилиниши эрнинг жарима тўлашини тақазо этади, агар томонлар бир бирларини хиёнатда айбласалар (мулоъана), суд уларнинг никоҳини бекор қилади, айбдорга нисбатан жазо тайинлаши лозим бўлади; фасх йўли билан никоҳ бекор бўлганда никоҳ тузилгандан кейин унга монъелик қилувчи ҳолатнинг юзага келиши сабаб қилиб олинади.

Диссертацияда никоҳни талоқ орқали бекор бўлиш асослари билан боғлиқ масалалар бевосита фақиҳлар хулосалари орқали батафсил ўрганилди. Негаки, алломалар асарларида никоҳ ва талоққа оид меъёрларни ёритишда биринчидан, қиёсий услубдан кенг фойдаланилади, турли мазҳаблардаги назариялар бир-бири билан солиштирилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, оятларда талоқ масалалари аниқ баён этилган. Лекин талоқ турлари, шартлари ва унга доир фатволардан хабардор бўлмаган кишилар ўзларича ҳукм чиқармасликлари лозимлиги уқтирилади, негаки бу каби мураккаб масалаларни муфтий, қози мақомидаги уламоларга ҳавола қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, диссертацияда талоқ масаласини фақиҳлар хулосалари асосида ўрганилишининг энг муҳим жиҳати шундаки, никоҳни бекор қилиш ўта жиддий масъулият. Зеро, бугунги кунда ҳам талоқ ва яна бошқа асослар билан жамиятда содир бўлиб тураётган ажримларни ислоҳ қилиш, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари билан боғлиқ масалалар ечимини топишда айнан Ҳидоя, Фатовои Қозихон асарларига амалиётда мурожаат қилиниб келинмоқда. Бу эса ушбу асарларнинг бугунги кундаги амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Тадқиқот доирасида ислом оила ҳуқуқида никоҳ, қандай юридик фактлар асосида тугатилишига қарамай томонларнинг никоҳни тугатилишидан келиб чиқадиган бир қатор моддий ва маънавий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қатъий белгиланганлиги фақиҳлар хулосалари билан асослантирилган ҳолда ёритиб берилган. Улар қуйидагилар: 1. Идда – эрнинг ўлими ёки никоҳ бекор этилиши каби сабаблар билан эр-хотинлик муносабатлари тугатилган аёлнинг ҳомиласи бор ёки йўқлигини билиш учун бошқа эрга тегишидан олдин кутиши керак бўлган аниқ белгиланган муддатдир. 2. Идда муддатини ўтаётган аёлнинг нафақага эга бўлиш ҳуқуқи: нафақа ражъий талоқда тўлиқ, боин талоқда ханафийларда тўлиқ, моликийларда ва шофеъларда маскан, ҳанбалийларда фақат ҳомиласи бўлса тўлиқ берилади, талоқ қилинган ҳомиласи бор аёл туғгунича таъминланади, кейин сут-она сифатида ёлланса, нафақаси икки йилгача берилади. 3. Никоҳ орқали томонлар ўзаро мерос ҳуқуқига эга бўладилар. 4. Эр вафот этишидан

аввал ражъий талоқ қилинган хотин марҳум эридан мерос олиш ҳуқуқига эга. 5. Боин талоқдан кейин эр ёки хотин вафот этса бир-бирига меросхўр бўла олмайди, мободро эр ўлим тўшагида ётган пайтида хотинини боин талоқ қилса, ҳанафий мазҳабига кўра аёлнинг иdda муддати тугамасидан эри вафот этса, у эридан мерос олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади, шофеъий мазҳабида эса, қандай кўринишда бўлмасин боин талоқ тушган аёл мерос ҳуқуқига эга эмас. 6. Ислом оила ҳуқуқида никоҳ эр-хотин мулкининг умумийлигига олиб келмайди. Бунга биноан эр-хотин ҳар бирининг мулки, у бу мулкка никоҳдан аввал ёки кейин эга бўлганидан қатъий назар, никоҳ бекор қилинганидан кейин ҳам уларнинг ҳар бирининг ўз мулки бўлиб қолади, бу борада низо келиб чиқмайди. 7. Эр-хотин умумий хўжаликни бошқаришлари ва фарзанд тарбияси билан ўзаро шуғулланишларидан қатъий назар, ҳар қайсиси ўз мулкини яқка тартибда идора қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Диссертацияда ота-она, фарзандлар ҳамда оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларга оид ислом оила ҳуқуқи тамойиллари ҳар бири алоҳида олинган ҳолатда тадқиқ этилди. Ота-она ва болаларнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари боланинг насл-насабига қараб юзага келади: Улар: Насаб, она сути билан озуқаланмоқ, тарбияланмоқ, нафақага эғалик, мерос ҳуқуқи. Ислом таълимотида етим бола асраб олиш уни боқиб тарбиялаш савоб эканлиги тарғиб қилиниши баробарида, ислом ҳуқуқи фарзандликка олиш томонлар ўртасида ҳуқуқӣ оқибатлар келтириб чиқармаслигини, фақатгина насаб нуқтаи назардангина ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланишини таъкидлайди. Насабни белгилаш масаласи ислом ҳуқуқида муҳимлиги насабларнинг аралашиб кетмаслиги, киши ўз маҳрами билан никоҳланмаслиги билан изоҳланади, насабни белгилашда аёлнинг эридан ҳомиладорлик муддати энг камида олти ой, энг кўпи икки йил этиб белгиланган. Шунингдек, диссертацияда болалар тарбиясида эр ва хотин бирдек масъуллиги таҳлил этилиб, бу масаладаги баъзи ўзига хос тушунчалар ҳам ёритиб берилган. Жумладан, фарзандни она сути билан таъминлаш – “Разоат” масаласи, 7 ёшгача парваришлаш онанинг, она бўлмаса, болага маҳрам бўлган аёллар зиммасидаги давр – “Хизона”, 7 ёшдан токи балоғат давригача бўлган “Валоя” каби ислом ҳуқуқида мукамал ишлаб чиқилган фарзанд тарбиясининг масъулиятли босқичлари ўрганилди. Аниқланишича, вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, фарзандларнинг шахсий, моддий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар қандай ҳолатда ота, ота бўлмаганда бобо қайси томонданлигидан қатъий назар масълдирлар. Шунинг баробарида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ота-онаси, бобо-бувиси ҳақида ғамғурлик қилишлари, нафақа билан таъминлашлари ўғилга ҳам қизга ҳам бирдек вожиб.

Бундан ташқари ислом ҳуқуқида ёрдамга муҳтож бўлган оиланинг бошқа аъзоларига атрофдагиларнинг имкон қадар ёрдам беришлари ахлоқ принциплари асосида белгиланган бўлиб, ушбу принципларга риоя этмаслик жавобгарликни келтириб чиқариши ҳам тартибга солинган. Шу ўринда таъкидланадиги, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги қариндошлик нафақаси мажбуриятида насаб бирлиги эътиборга олиниб, нафақа

белгилашда қози нафақа берувчи ва олувчининг иқтисодий салоҳияти ва мухтожлик даражасига эътибор бериши шарт қилинади.

Диссертант ушбу бобда жамиятда оилавий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида, ислом ҳуқуқида болаларнинг насабини белгилаш, уларни парваришлар, таълим-тарбия бериш, таъминотини амалга ошириш билан боқлиқ ҳуқуқлари, шунингдек, ислом ҳуқуқида белгиланган “идда” муддати оилани сақлаб қолиш учун имконият ҳамда фарзанд насабини белгилашдаги асосий мезон нуқтаи назаридан жамиятда маънавий соғлом муҳитга таъсир кўрсатувчи омил сифатида моҳиятан ҳозирда ҳам ўз долзарблигига эгаллигини инобатга олиб, мазкур тушунчалардан оила манфаатларини таъминлаш тизимидаги институционал асосларни такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ғоясини илгари сурган.

ХУЛОСА

Ислом оила ҳуқуқининг пайдо бўлиши, ривожланиши, манбалари ва институтларини “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи” ихтисослиги нуқтаи назаридан тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий назарий хулосалар

1. Ислом ҳуқуқи тизими ҳуқуқий нормалар мажмуаси сифатида кўплаб давлатлар, хусусан, мамлакатимиз маънавий-ҳуқуқий меросининг узвий ажралмас қисми сифатида асрлар давомида Марказий Осиё халқлари ҳаётида ҳам ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиб келган.

2. Ислом ҳуқуқи нормаларининг барчаси ҳам ахлоқий мажбуриятлар сифатида талқин этиш мумкин эмас, ислом оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, вақф ҳуқуқи каби кўплаб ҳуқуқ соҳалари амалий моҳиятга эга ўзига хос феномендир.

3. Ислом ҳуқуқи нормаларининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ислом оила ҳуқуқини ҳуқуқий тадқиқ этишда маънавий-маърифий, ижтимоий--ҳуқуқий, тарихий жиҳатдан ёндашиш зарур, бунда ислом ҳуқуқида оиланинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳволини, оилавий муносабатларнинг шаклланиши, ривожланиши ва мустаҳкамлаш асосларини ўрганиш лозим.

4. Оила ҳуқуқи тушунчаси, пайдо бўлиши, ўзига хос хусусиятлари ислом ҳуқуқининг шаклланиши ва тарихий ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у ислом ҳуқуқининг бош йўналтирувчи соҳасидир.

5. Ислом оила ҳуқуқи ислом ҳуқуқининг етакчи тармоғи сифатида, ўзининг мазмуни, манбалари, институтлари, объекти ва субъекти, тартибга соладиган муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, оила ҳуқуқи нафақат ҳуқуқий нормалар, балки диний нормалар орқали ҳам белгиланиши, шунга биноан оилавий муносабатларга ибодат сифатида ҳам алоҳида урғу берилиши билан бошқа ҳуқуқ тармоқларидан фарқ қилади.

6. Ислом оила ҳуқуқи соҳасини институционал таҳлил этиш жараёнида, ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан муаллифлик таърифи берилди: “Ислом оила ҳуқуқи никоҳни қайд қилиш шартлари ва тартиби, никоҳга монъелик қилувчи ҳолатлар, эр-хотинлик, эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар, никоҳни тугатиш асослари ва тартиби, унинг ҳуқуқий оқибатлари, васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар ва институтлар мажмуидир”.

7. Оила масаласи кишилик жамиятидаги ижтимоий муносабатлар, миллатлар, давлатлар, маданият ва цивилизациялари билан чамбарчас боғлиқ, ҳар бир тарихий ривожланиш босқичида давлат ва жамият мазкур масалага ўзига хос тарзда ёндашган ва ҳал этишга интиланган. Шу нуқтаи назардан ислом оила ҳуқуқи ислом ҳуқуқининг бирламчи манбалари ҳамда Мовароуннаҳрда ёзилган фикҳий асарлар асосида тизимли ўрганилиши, мавзуга доир маҳаллий қадриятлар қиёсий тадқиқ этилиши керак.

8. Ислом оила ҳуқуқи манбаларидаги, фикҳий асарлардаги оилавий муносабатлар масаласи ўрганилганда ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ёндашиш зарур. Чунки ислом ҳуқуқи манбаларида мустаҳкамланган оилавий меъёрларни фақиҳлар ўз асарларида оиланинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳволини, оилавий муносабатларнинг шаклланиши ва уни мустаҳкамлаш асосларини, оила ҳуқуқи меъёрларига маҳаллий урф-одатларнинг таъсир этиб бориши билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилганлар, минтақа шароити, урф-одатидан келиб чиқиб муаммонинг ечими ўрганилган.

9. Юртимизда яратилган фикҳий асарларда минтақага оид мавзулар ҳамда ҳаётда учраш эҳтимоли кам бўлган масалалар юзасидан ҳам хулосалар берилгани ушбу асарларнинг бугунги кунимиздаги аҳамияти катта эканлигига ҳам далолат қилади.

10. Бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган оилавий ажримларнинг тобора ошаётгани сабаблари, моҳиятини шариат кўрсатмаларини ўрганиш орқали ечимни топиш лозим бўлган масалаларда улардан фойдаланиш, ислом оила ҳуқуқида никоҳнинг мазмуни, кафоат, розилик, нафақа, маҳр институтлари, эр-хотинлик мажбуриятлари моҳиятини англаш никоҳланувчилар ўртасида оила масъулиятини оширишда ва оила муқаддас даргоҳ эканини теран англанишда катта аҳамият касб этади.

11. Исломда оила қуришнинг энг асосий ва муқаддас шarti никоҳ ҳисобланиб, у оила қуриб, ўзидан кейин зурриёт қолдиришнинг ягона, бирдан-бир воситаси сифатида барча шартларига амал қилиниб тузилиши лозимлиги, инсонлар фақат никоҳ орқали жуфт бўлиб яшамоғини таъминлаш ислом оила ҳуқуқининг бош тамойили эканлигига асосланиб, никоҳ тушунчасига муаллифлик таърифи берилди: “Никоҳ – икки киши, яъни эркак билан аёлнинг ихтиёрий равишда бир-бирларига берган розиликлари асосида, икки гувоҳ иштирокида тузилган битим бўлиб, унинг бош мақсади оила тузиш, авлодни давом эттириш, эркак ҳамда аёлнинг табиий эҳтиёжларини қондиришдан иборат”.

12. Исломда оила ва никоҳ институти ислом ҳуқуқининг асосий манбалари ҳамда фикҳий асарлар орқали кўйидагича тизимлаштирилиб ўрганилиши лозим: никоҳ тушунчаси, шартлари, уни тузиш тартиби, никоҳдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари, никоҳнинг тугатилиши, турлари, оқибатлари, ота-она ва фарзандлар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, насабни белгилаш, фарзандни парваришlash ва тарбиялаш, маҳр, нафақа, мерос, иддага оид масалаларнинг тартибга солиниши.

13. Ислом ҳуқуқида никоҳни тузишда ва никоҳ давомида томонларнинг оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларда бир қатор ўзига хосликлар бор, улар асосан кафоат, фарзандликка олиш, фарзанд озуқаси, унга хомий ва васий белгилаш масалалари, моддий таъминот, маҳр, мерос каби мулкӣ муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ. Жумладан: никоҳга розилик билдиргани учун эрнинг хотинга маҳр бериши, никоҳ томонлар мол-мулкнинг умумийлигига олиб келмаслиги, хотинни моддий жиҳатдан таъминлаш (нафақа) – эрнинг вазифаси, болаларнинг нафақаси ҳам отанинг зиммасида эканлиги, айниқса, қизлар тарбияси, таълими, таъминоти отага, турмушга чиққач эсаэрга, ота ва эрсиз аёлнинг нафақаси ака ёки унинг ўрнини босувчи шахсга юклатилиши, никоҳ тугатилгандан кейин аёлнинг ҳомиладорлигини аниқлаш мақсадида идда муддати белгиланганлиги, идда муддатида хотиннинг нафақа ва меросга эгалик ҳуқуқининг сақланиши.

14. Тадқиқот натижасида ислом оила ҳуқуқида ўзига хос мулкӣ мажбурият бўлмиш маҳр институтига муаллифлик таърифи шакллантирилди: “Маҳр – аёлнинг никоҳга розилик билдирганлиги учун унга бериладиган, эрнинг никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган муқаррар мулкӣ мажбурияти, ҳар икки томонни ҳам никоҳни бекор қилишдан ўзни тийиш кафолатидир, маҳр аёлнинг хусусий мулкига айланади, никоҳдан ажралган ҳолда ҳам унинг мулкка эгалиги сақланиб, аёлнинг моддий кафолати бўлиб хизмат қилади”.

15. Ислом оила ҳуқуқида тартибга солинган айрим нормалар масалан, кўпхотинлик, никоҳ ёши билан боғлиқ тафовутлар, гувоҳлик масалаларини ўрганганда бугунги кун воқеълигини инобатга олган ҳолда ҳамда ушбу нормалар тартибга солиниб амалда бўлган давр ўрта асрлардаги ижтимоий муносабатлар омилларидан келиб чиқиб ёндошиш зарур.

16. Ислом ҳуқуқининг оилавий муносабатларни тартибга солувчи қоидаларида умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварлик ғоялари, Шарққа хос ахлоқий тарбия тамойиллари ўз ифодасини топган бўлиб, исломдаги ахлоқ нормалари асосан патриархал типдаги ҳуқуқ нормаларини ифодаласа ҳам, асли оилани, эр-хотин ҳаёти пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган: ислом оила ҳуқуқига кўра, эр аввало оиланинг барча молиявий тарафларига жавобгар бўлган, оилани ҳимоячиси экани эвазига эркак оила раҳбари, оилада интизом барқарор бўлсин деб аёлдан эрига итоат этиши талаб қилиниши, бир вақтнинг ўзида оилавий гуруҳдаги ички тартибни таъминлаш ва уни ташқи тажовузлардан ҳимоя қилиш, моддий жавобгарлик вазифалари

юклатилган эр бундай ҳуқуқий ваколатга эга бўлишга муносиб, шунинг баробарида, хотин эрининг рухсати бўйича ҳаракатланиши, эрининг мол-мулкини исроф қилмаслиги, уй бекаси сифатида уй юмушларини ҳеч ким мажбурламасдан бажариши, ўз руҳий ҳолатини эрининг руҳий ҳолатига мослаши, эрининг маънавий тиргаги бўлиши, эр нафақасига қаноат қилиб, фарзандлар тарбиясида бирдек масъулиятга эга.

17. Ислом оила ҳуқуқида эркак ва аёлнинг тенглигини ўз қобилиятига қараб белгилаб берилган. Оят ва ҳадислар орқали ислом маданияти аёлнинг инсоний фазилатларини тўлиқ эътироф этди, унга таълим соҳасини кўрсатди, балоғатга етгандан сўнг барча ишларда тўла молиявий иқтирдорни берди. Унинг эри ҳам, отаси ҳам унга тегишли бўлган нарсаларга ва ҳатто маҳрига ҳам дахлсизлиги қафолатланди. Ислом дини аёлга меҳнат қилишни ман этмади, балки ўз табиатига муносиб ишларни танлаши лозимлигини уқтирди. Шу тариқа аёл оғир меҳнатдан асралди. Ислом таълимоти аёлнинг жамиятдаги ва оиладаги ўзига хос аҳволини, аёллар турмуш тарзининг маиший хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда улар учун меҳнат фаолиятининг манфаатдорлик йўллари кўрсатилган. Оилада фарзандлар таъминоти, тарбияси оталарнинг, улар бўлмаган тақдирда бошқа эркак қариндошларнинг бурчи қилиб белгиланди. Иқтисодий омил оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Аёл жинси ҳомиладорлик, бола туғиш ва уни парвариш қилиш жараёнида ўзининг ва зурриётининг моддий эҳтиёжини қондириш учун эркин фаолият кўрсата олмайди. Бу вазифани эркак амалга оширади. Эркак оиланинг муҳофазасини таъминловчи, унинг моддий таъминотчиси, меҳнат қуроқларининг, уй-жой, рўзғор ашёларининг эгаси, бундан ташқари ақлий ҳамда жисмоний томондан кучли бўлгани учун ҳам оиланинг раҳнамоси даражасига кўтарилади.

18. Ислом оила ҳуқуқининг оилалар маънавий баркамоллигидаги аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Ислом дини – кишилар ҳаётининг маънавий-ахлоқий жиҳатларини мувофиқлаштирадиган жуда кўп инсоний меъёрларни қарор топтириб келган. Бироқ ислом оила ҳуқуқи тамойиллари юзаки ва нотўғри талқин этилса, хотин-қизларнинг оилада ва жамиятда таҳқирланишига олиб келиши мумкин. Шунини қайд этиш лозимки, сўнгги пайтларда ислом ва шариат талаблари ниқоби остида оилада томонларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари камситилиб келинмоқда. Ҳозирги куннинг бундай иллатларини исломнинг маънавий-ахлоқий талаблари ниқоби остида оқлаш жамиятда “ислом ва оилавий муносабатлар” масаласига юзаки, жоҳилона муносабатда бўлишни кўллаб-қуватлаш ҳисобланади.

19. Жамиятда оилаларнинг етарлича ҳимоя қафолатларини яратиш давлатларнинг ички ваколатига тааллуқли бўлиб, ҳар қандай давлатнинг оилага оид қонунлари халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда ўша давлатдаги дин ва одат нормаларидан андоза олиб ташкил топади, миллий ҳуқуқий тизимимиз билан шариат ва одат ҳуқуқларининг ўзаро боғлиқлигини инкор этиб бўлмаслигини эътиборга олган ҳолда, назарий жиҳатдан яхши ишланган, мантиқий, тўғри дин ва одат нормалари миллий ҳуқуққа имплементация қилинишга ҳақли. Чунки, Республикамизда амалга оширилаётган кўплаб

тадбирлар оила масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Бу эса, замонавий жамиятимизда оилавий муносабатлар масаласига умумижтимоий ва миллий жиҳатдан ёндашишни талаб этмоқда.

II. Қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга оид хулосалар

1. Ислом оила ҳуқуқидаги маҳр масаласи ўзига хос ижобий характерга эга эканлигини, никоҳ шартномасида маҳрнинг белгиланиши билан жамиятда оилага, хусусан, аёлга нисбатан масъулият ошиб, ҳуда-беҳудага ажралишлар сонининг камайишига ёрдам беришини назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг “Эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби” бобида ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Мамлакатимизда соғлом ва мустаҳкам оила тамойилларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 15-моддасини қуйидагича “Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади” деган жумла билан ўзгартириш лозим.

3. Ислом ҳуқуқида фарзандларнинг насл-насабини белгилаш, уларни парваришлаш, таълим-тарбия бериш, таъминоти билан боқлиқ ҳуқуқлари мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳозирда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Шу боис, ушбу тушунчалар “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари” деган бобида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ.

4. Болаларнинг насабини белгилаш механизмини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг “Боланинг насл-насабини белгилаш асослари” номли 60-моддаси биринчи қисми “Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг энг камида бир юз саксон кун, кўпида уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади” деб ўзгартирилиши лозим.

5. Мазкур модданинг иккинчи қисмида зикр этилган “боланинг насл-насаби хусусида низолар”нинг келиб чиқишини ва бундай низолар болаларнинг маънавий ҳуқуқ ва манфаатларига салбий таъсир этишини олдини олиш мақсадида, шунингдек, оилани сақлаб қолиш учун имконият, энг асосийси фарзанд насабини белгилашнинг асосий мезони сифатида оилада ва жамиятда маънавий соғлом муҳитга таъсир кўрсатувчи омил бўлмиш ислом ҳуқуқида белгиланган “идда” институтидан Оила қонунчилигини такомиллаштиришда ижодий фойдаланиш лозим.

6. Вояга етмаган болалар таъминоти механизмини белгиловчи қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Оила кодексининг 135-моддасини “Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар бола вояга етгунига қадар бўлган давр учун, шу жумладан кўчмас ёки кўчар мулк ёхуд бошқа қимматли ашёни бериш йўли билан олдиндан тўланиши мумкин”лиги тўғрисидаги қоида билан тўлдирилиши зарур.

III. Ташкилий-ҳуқуқий ва методологик хулосалар

Мамлакатимизда оиланинг жамият олдидаги асосий вазифасини янада ривожлантириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишни яхшилаш борасида назарий ва амалий асосларни яратиш лозим.

Назарий жиҳатдан қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга оид бой ҳуқуқий, илмий, маънавий-интеллектуал меросимизни оммалаштириш, илмий таҳлил қилиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида соҳа мутахассисларига, тегишли таълим йўналишларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабаларга батафсил маълумот бериб бориш, юртимиз фақиҳлари асарларини дунё ҳамжамияти ўртасида кенг тарғиб этиш, замонавий илм-фан, маънавият ва амалиёт ривожидан ундан самарали фойдаланиш ва келгуси авлодларга етказиш, улардаги оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга оид қарашларнинг моҳиятини назарий жиҳатдан тадқиқ этган ҳолда унинг амалий татбиқи масаласи бўйича ислом шариати амалда бўлган давлатларнинг миллий ҳуқуқини қиёсий ўрганиш;

- “Жамият ва оила”, “Давлат ва оила”, “Ҳуқуқ ва оила”, “Ахлоқ ва оила”, “Шариат ва одат бўйича оилавий муносабатларнинг қиёсий таҳлили”, “Классик ва ҳозирги замон ислом оила ҳуқуқи”, “Шарқ ва Ғарбда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш генезиси ва эволюцияси”нинг қиёсий таҳлили мавзуларида тадқиқотларни амалга ошириш мумкин.

Амалий жиҳатдан қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- жамиятдаги оиланинг ўрни, оилавий муносабатлардаги томонлар ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш борасида ислом ҳуқуқининг асрлар давомида ҳаёт тажрибаси синовларидан ўтган, оила манфаатларига тўла жавоб берадиган бир қатор нормалари борки, уларни жойларда соҳа мутахассислари томонидан тўғри тушунтириш, тизимли маъруза ва тадбирлар ташкил этиш зарур;

- оила қуришдан аввал азалий қадриятимиз ҳисобланган ислом шариати оилавий муносабатлар нормаларининг никоҳ шартларига оид тамойилларини никоҳланувчилар, уларнинг оила аъзолари ўртасида тарғиб қилиниши билан жамиятда оилавий ажримлар сони камайишига эришиш мумкин;

- оила қуриш бўсағасида турган ёшларни никоҳга, оилавий муносабатларга тайёрлаш мақсадида улар учун ФХДЁ органларида “Оиланинг маънавий асослари” рукни остида маърузалар ташкил этиш лозим. Ушбу маърузалар ахлоқий, ҳуқуқий ва тарбиявий мавзуларда бўлиши, миллий қонунчиликда ва шариатда эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришга қаратилиши керак;

- оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, ўз жонига суиқасд ҳолатларининг олдини олиш, нотинч оилаларни, руҳий тушкун ҳолатдаги хотин-қизларни ижтимоий-психологик ҳимоя қилиш мақсадида исломда илгари сурилган мазкур масалаларга оид таълимот юзасидан жойларда маърузалар ташкил этиш;

- таълим муассасаларида йигит ва қизларни турмушга тайёрлаш, эрта никоҳ, репродуктив саломатлик, гигиена масалалари бўйича билим даражаси ва кўникмаларини ошириш мақсадида “Оила мактаби” махсус курсларини жорий этиш, курс соатларида ёшларга оила ва никоҳнинг муқаддаслигини кенг тушунтириш, бу борада ислом динининг маърифий-тарбиявий аҳамиятидан унумли фойдаланиш;

- ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишда ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш, мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга ёшларни тарбиялаш, нотинч оилалар фарзандлари, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олиш ва яна бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирларни мунтазам ташкил қилиш;

- оилада хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизасини жорий этиш;

- жойларда ташкил этилган “Аёллар маслаҳат марказлари” иш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ушбу марказларга соҳа мутахассисларини бириктириш;

- оммавий ахборот воситаларида никоҳ ва оила муносабатлари, талокнинг салбий оқибатларини маърифий йўл билан тушунтиришга қаратилган кичик рукнлар ташкил этиш, шунингдек, мазкур мавзуларни кенг аҳоли онгига чуқур сингдиришга қаратилган кичик рисоалар, қўлланмалар, флаерлар нашр эттириш ва кенг миқёсда тарқатиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу таклифлардан келиб чиқиб “Ота-оналар университети”, “Оила муқаддас даргоҳимдур”, “Оила мактаби” мутасаддилари ва тингловчилари учун тадқиқот натижалари асосида қуйидаги мавзуларда қўлланмалар тайёрланиши мумкин: 1. Оилавий ҳаётнинг шаръий асослари. 2. Ислом таълимотида эр-хотин ҳуқуқ ва мажбуриятлари. 3. Исломда фарзанд тарбияси. 4. Исломда ота-оналарнинг фарзанд олдидаги мажбуриятлари. 5. Қуръон оятлари ва ҳадисларда фарзандларнинг ота-она олдидаги бурч ва мажбуриятлари. 6. Талокнинг ҳуқуқий ва маънавий оқибатлари. 7. Эрта никоҳ: Никоҳ ёши ва балоғат ёшининг моҳияти. 8. Оила ахлоқи: маънавият ва ҳуқуқий маданият.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.YU.23.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ
ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

МЕЖДУНАРОДНАЯ ИСЛАМСКАЯ АКАДЕМИЯ УЗБЕКИСТАНА

ЮСУПОВА НИГОРА ЖАЛОЛИДДИН КИЗИ

**ИСЛАМСКОЕ СЕМЕЙНОЕ ПРАВО: ВОЗНИКНОВЕНИЕ, РАЗВИТИЕ,
ИСТОЧНИКИ И ИНСТИТУТЫ**

12.00.01 – Теория и история государства и права. История правовых учений

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам**

Ташкент – 2019

**Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована под номером B2018.3.DSc/Yu80
Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Докторская диссертация выполнена в Международной академии Узбекистана.
Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Тошкуллов Журабой Уринбоевич Доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Саидов Акмал Холматович Академик, доктор юридических наук, профессор Мухитдинова Фирюза Абдурашитовна Доктор юридических наук, профессор Кадиров Эшмухамед Омантурдиевич Доктор юридических наук
Ведущая организация:	Центр повышения квалификации юристов при Министерстве Юстиции Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится “___” _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.23.01 при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан. (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрировано за №___). (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 г.
(Протокол реестра за №___ от «___» _____ 2019 года).

О.Т. Хусанов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор юридических наук, профессор

Д.А. Каримов
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
кандидат юридических наук

И.Т. Тультеев
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор юридических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобальные изменения в социальных отношениях в условиях углубления процессов интеграции в мире, оказывают заметное влияние на институт семьи, в ее статус, состав, структуру и функциональность. В результате нарушения семейных традиций во многих странах мира возрастает число разводов, снижается уровень рождаемости, возникают нетрадиционные формы брака, увеличивается количество детей рожденных без брака и детей без опекунов родителей. В связи с таким резким изменением подхода к семейным отношениям, во всем мире становится необходимо обеспечивать усовершенствование институциональных основ семейных интересов инновационными подходами.

В развитых странах ведутся научные исследования, направленные на совершенствование правил механизма укрепления института семьи указанные во Всеобщей декларации прав человека, Международном пакте о гражданских и политических правах и в десятках односторонних и региональных международно-правовых документах. Семья, как естественное основное опорное звено каждого общества регулируется государственными законами, обычаями и религиозными правилами. На современном этапе развития общества в процессе оздоровления духовности личности, в том числе, религиозной грамотности, научный анализ правил исламского учения, относящихся к семейным отношениям, является социальной необходимостью. Исходя из этого, когда сегодня усиливается идеологическая борьба очень актуально научно-сравнительное исследование общесоциальных аспектов семейных отношений в исламе, их социально-исторические корни, культурно-духовные особенности, а также специфику социально-экономических, правовых, просветительско-организационных аспектов упорядочивания семейных отношений в исламе на основе главных источников исламского права и научных наследий исламских правоведов выросших в нашей стране, сравнивая их наследие с обычным правом, которые считаются важными аспектами образа жизни нашего народа. Так как, «...сегодня, задача укрепления здоровой окружающей среды в наших семьях, махаллях и во всем нашем обществе, воспитание молодежи, сохранение нашей мирной жизни и чистоты нашей священной религии, имеет важное значение»¹.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2018 г. № УП-5325 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи», принятом в целях укрепления института семьи, всесторонней поддержки материнства и детей, повышения социально-политической активности женщин, обеспечения беспрекословного соблюдения их прав и законных интересов, четко определены актуальность осуществления исследований. Эти исследования

¹ Речь Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на конференции «Обеспечение социальной устойчивости, сохранение чистоты нашей святой религии – требование времени» // Народное слово, № 119, 16 июня 2017 г.

должны охватывать культурное наследие, развивающее институт семьи и семейных ценностей. На их основе требуется разработка и осуществление предложений по подготовке молодежи к семейным отношениям, по предотвращению семейных разводов, по вопросам, относящимся к укреплению морально-духовных положений в семье. Это требует укрепления и усовершенствования общечеловеческих, национальных, духовных, нравственно-правовых ценностей семьей в нашей стране.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определённых в указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан от 25 мая 2017 г. № ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников», от 27 июня 2018 г. № ПП-3808 «Об утверждении концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан», от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 7 апреля 2017 г. № УП-1079 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности религиозно-просветительской сферы», от 2 февраля 2018 г. № УП-5325 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи», а также других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в рамках приоритетного направления I. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики” развития науки и технологий республики.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Научные исследования, посвящённые изучению социально-исторических, правовых аспектов регулирования семейных отношений исламского права ведутся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в том числе, таких, как American Academy of Political and Social Science, Harvard University (США), University of Toronto (Канада), Chicago University (Чикаго), University of Oxford, Cambridge University, Center for legal education (Великобритания), Center of Islamic Studies in Freiburg (Германия), University of Osaka (Япония), Национальный исследовательский университет “Высшая школа экономики”, Башкирский государственный университет, Дагестанский государственный университет (Россия), Cairo University (Египет), Damascus University (Сирия), Turkish Religious Foundation Centre for Islamic Studies (Турция), Ташкентский государственный юридический университет, Институт Востоковедения Академии Наук Узбекистана, Международная исламская академия Узбекистана (Узбекистан).

¹ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлены на основе следующих и других источников: <http://www.islamport.com>, <http://www.islamwissenschaft.unibeidelberg.de>, <http://www.mcgill.ca/islamicstudies/institute-islamic-studies>, <http://www.ugent.be>, <http://www.ox.ac.uk>, <http://www.heacademy.ac.uk>, <http://www.tamu.edu>, <https://tspace.library.utoronto.ca>, <http://doc.rero.ch>, <http://www.harvard.edu>, <http://www.cam.ac.uk>, <http://www.princeton.edu>, <http://www.law.osaka-u.ac.jp>, <http://www.whyyislam.ru>, <http://www.tsul.uz>, <http://www.akadmvd.uz>, <http://www.tiu.uz>

В результате проведенных исследований по исламскому семейному праву в мире, получены следующие научные результаты: разработаны предложения, направленные на актуальные вопросы по исламскому семейному праву касающиеся повышения правовой культуры членов семьи в качестве важного элемента обеспечения прав интересов сторон в семье (Harward University, Oxford University); обоснована необходимость высокого внимания на институт семьи при обеспечении прав человека, чтобы он стал основным направлением государственной политики (University of Osaka); разработаны предложения по этапам исторического развития семейного права, в частности, предложения, связанные с взглядами по возникновению правовых основ отношений детей и родителей в семье (Cambridge University); определена специфика организационно-правовых основ исламского семейного права (Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики»), обоснованы теоретические и практические рекомендации по защите личных неимущественных прав сторон в семье, по правам и обязанностям, исходящих из имущественных отношений, по наследственному праву (Cairo University, Damascus University); были определены особенности обязательства по обеспечению (Turkish Religious Foundation Centre for Islamic Studies); разработаны теоретические и практические предложения по международно-правовым, национальным, религиозным вопросам семейных отношений на территории Узбекистана (Международная исламская академия Узбекистана).

В мире исследуются экономические, социальные и духовные проблемы института семьи в области таких наук как, социология, история, педагогика и психология, анализируя следующие приоритеты: концепция семейных отношений и их сущность, основы сохранения современной семьи, современное значение понятия семьи, принципы семейного права, правовые основы брачного договора, махр, обеспечение, наследственные права в исламском семейном праве, права и обязанности супругов, основы расторжения брака, права детей, трансформация и эволюция исламских ценностей в условиях глобализации, регулирование имущественных отношений между членами семьи.

Степень изученности проблемы. Нормы по регулированию семейных отношений в исламском праве являются проблемами, которые интересуют зарубежных и узбекских ученых правоведов. Исследования, проведенные до нас, посвященные общетеоретическим проблемам семейных отношений были связаны с международными стандартами и реальными положениями вопросов в национальном законодательстве.

